

## Хужжат имзоланган:

сана:2022.12.20 10:11:08  
серия раками: 778da566  
компания:ООО DAVR SA`NOAT STROY INVEST  
стир: 308264385  
фиш: ALPONOV BEHRO'Z  
email:

сана:2022.12.20 10:12:38  
серия раками: 778d50bc  
компания:1-СОН БОЛАЛАР ВА УСМИР.СПОР.МА  
стир: 207089994  
фиш: ЭРГАШЕВ АНВАР  
email:



**11ED8024AA04E2E48E3C1E0008000075**

электрон хужжат идентификатори

### Пудрат Шартнома №07

Косон тумани  
(шартнома түзиш жойи)

19.12.2022  
(шартнома түзиш сана)

"DAVR SA`NOAT STROY INVEST" МСН (бундан бүен - "Бажарувчи" деб атала迪) номидан ҳаракат қилувчи директор **ALPONOV BEHRO'Z ASROR O'G'Ll**, бир томондан, ва ""KOSON TUMANI 1-SON SPORT MAKTABI" DM" (бундан бүен - "Буюртмачи" деб атала迪) номидан ҳаракат қилувчи директор **А Кодиров**, иккинчи томондан, биргаликда "Тарафлар", алохида эса "Тараф" деб атaluвчилар мазкур шартномани қуидагилар ҳақида түздилар:

#### 1. Косон тумани 1-сон спорт мактаби биносини жорий таъмирлаш ишлари (гувалак кишлоги)

Ушбу шартномага биноан, Мижоз түлайди ва қабул қиласи ва Ижрочи қуидаги шартлар асосида товарларни (хизматларни) етказиб беради:

№	Махсулот номи (хизматлар)	Товар (хизмат)лар Ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификация коди ва номи	Товар/хизмат штрих коди	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нарх	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказишиш баҳоси ҚҚС билан
								ставка	сумма	
1	Косон тумани1-сон спорт мактаби биносини жорий таъмирлаш ишлари (гувалак кишлоги)	10011001001000000 - Бино ва иншоотларни куриш хизмати	объект	1.00	130 434 782.60	130 434 782.60	15 %	19 565 217.40	150 000 000.00	
	Жами					130 434 782.60		19 565 217.40	150 000 000.00	

Шартноманинг умумий миқдори Бир юз эллик миллион сум 00 тийин (сумма сўзлар билан),  
(150 000 000.00)

I. Шартнома предмети

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома Косон тумани1-сон спорт мактаби биносини жорий таъмирлаш ишлари (гувалак кишлоги)чун Объектида курилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома энг яхши таклифини аниклашкомиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан 150 000 000 сўмни ташкил этади.

3. Курилишнинг шартномавий нархларини ўзгаришиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида амалга оширилади.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлгандага ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари.

5. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "1" иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;  
- танлов натижаси бўйича ишлар бошланган кундан эътиборан объектни 90 кунда топшириш;

- курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;
  - курилиш майдони худудида вактингчалик иншоотлар куриш;
  - буортмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи Пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи Пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
  - курилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.
6. Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегиши курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар хамда вактингчалик бинолардан бўшатиш; курилиш майдонини кўриқланишини таъминлаш; курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибида расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.
7. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буортмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.
8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буортмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

#### IV. Буортмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буортмачи:
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини, объект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
  - ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;
  - Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
  - молиялаштириш жадвали 2 иловага мувофиқ Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
  - мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида Пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
  - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;
10. Буортмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибида Буортмачини ёзма равиша хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлами тартибида бекор қилиш хукуқига эгадир. Бундан Буортмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

11. Буортмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида тенг улушларга (30 фоиздан) бўлган ҳолда аванс ўтказади, бу 91 500 000 сўмни ташкил этади.
12. Буортмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (2-и洛ва)
13. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.
14. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буортмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибида қабул қилингандан кейин мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорида амалга оширилади.

#### VI. Ишларни бажариш

15. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
16. Буортмачи курилиш майдонида ўз вакилини - Техник назоратчи тайинлади, у Буортмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларида текширади.
17. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукуқига эгадир.
18. Пудратчи Техник назоратчи ишлар учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўради.
19. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 71-бандида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равиша ташкил этади.
20. Курилиш майдонида умумий тартибини таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
21. Буортмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча

тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш түғрисидаги хужжатларни беради.

22. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш түғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка)учун Пудратчи геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

23. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

24. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

25. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

26. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

27. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиши бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва бошқа тегишли ташкилотларни ёзма равиша ҳабардор қиласи.

28. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқбўл қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

29. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига ёзув киритилган ҳолда кейинги ишларни бажаришга киришади.

30. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда ҳабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб ҳабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жiddий таъсир қўлмайдиган иш хужжатларидан майдо четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

31. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатисиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 30 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Агар Пудратчи сифатисиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

32. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ ҳудудларни, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

33. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтarda бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс этирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равиша кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

VII. Ишларни қўриклиш

34. Пудратчи объектнинг Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриклишни таъминлайди.

35. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

VIII. Енгид бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

36. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан

озод  
 Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.  
 37. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.  
 38. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бирин шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

39. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибига мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.  
 40. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.  
 41. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг IV бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишида тасдиқлаши керак.  
 42. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

X. Кафолатлар

43. Пудратчи:  
 - барча ишлар тўлиққажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажариши;  
 - лойиха ҳужжатлари ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;  
 - ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларига давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;  
 - ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилиниши; объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини;  
 44. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камидаги 12 ой этиб белгиланади. Кафолат муддати камидаги 12 ой этиб белгиланади.  
 45. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланаб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.  
 46. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.  
 Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг V бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳукуқига эга.  
 47. Пудратчи нуқсонлар ва камчиликлар ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бошторган тақдирда, ушбу масала Тошкент иқтисодий судида кўриб чиқилади.

XI. Шартномани бекор қилиш

48. Буюртмачи:  
 - шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;  
 - ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилганхолда,  
 - Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;  
 - Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;  
 - қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.  
 49. Пудратчи:  
 - ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;  
 - буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;  
 - қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

50. Шартнома бекор қилинганды Буюртмачи ва Пудратчининг күшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

51. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

52. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

53. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

54. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

55. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганилиги, ўз вақтида молияштиргмаганилиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

56. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

57. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганилиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

58. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

59. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

60. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчиҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг хулосаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортни, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида ундириш хукуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганилиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганилиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганилиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Карши шаҳар иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XIV. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи Пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдобўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

70. Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабрга қадар.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари  
күлланилади.
72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.
73. Мазкур шартнома тегишли ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳукукий кучга киради.

## **2. Томонларни юридик манзиллари ва реквизитлари**

### **Ижрочи**

**Номи:** "DAVR SA' NOAT STROY INVEST" MCHJ

**Манзил:** Карши шахар

**Телефон:** 99897 861 21 21

**Факс:**

**СТИР:** 308264385

**ОКЭД:** 42201

**X/P:** 20208000105357225001

**Банк:** ТОШКЕНТ Ш., "ДАВР-БАНК" ХАТ

**БАНКИНинг ОЛМАЗОР ФИЛИАЛИ**

**МФО:** 01121

### **Буюртмачи**

**Номи:** "KOSON TUMANI 1-SON SPORT MAKTABI"

**DM**

**Манзил:** Гулобод МФЙ, Гувалак кучаси, 39-үй

**Телефон:**

**Факс:**

**СТИР:** 207089994

**ОКЭД:** 85510

**X/P:** 100022860102297083610135001

**Банк:** ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ

**ТОШКЕНТ ШАХАР ХИСОБ-КИТОБ КАССА**

**МАРКАЗИ**

**МФО:** 00014

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конунининг 21-моддасига мувофиқ хўжалик шартномаларини хукукий экспертизадан ўтказиш

Буюртмачи раҳбари: **A.Кодиров**

Пудратчи раҳбари: \_\_\_\_\_

Юридик хизмат  
кўрсатувчи: \_\_\_\_\_


томонидан тузилаётган 2022 йил “19 декабр ” 07-сон шартнома, умумий суммаси 150 000 000 (Бир юз эллик миллион ) сўм қилиб белгиланган шартнома лойиҳаси юзасидан,

### ЮРИДИКХУЛОСАСИ

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги конуни ва бошқа конун хужжатлари асосида хукукий экспертиза қилиб, ушбу қурилиш Пудрат шартномасини ҳақиқатдан ҳам давлат рўйхатидан ўтганлигини ва мазкур шартномани имзолаш хукуқига эга эканлигини ва банқдаги реквизитлар тўғрилигини, тўлов қобилиятига эга эканлигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик хужжатларига мос келишилигини аниқладим.

Шу муносабат билан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб хисоблайман.

Хукуқшунос



М.Ў.

“19” XII 2022 йил

**208605 лот юзасидан шаклланган дастлабки  
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон  
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тандер) ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли ҳарорд кабул қиласи.



19.12.2022 16:58

QODIROV ALISHER ZOIROVICH

Солиқ солиши объектлари ҳамда солиқ  
солиши билан боғлик объектлар тўғрисидаги  
маълумотлар базасини шакллантириш ва  
юритиш тартиби тўғрисидаги  
низомга б-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга  
олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида  
ГУВОХНОМА

УДОСТОВЕРЕНИЕ

о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан  
и присвоении идентификационного номера налогоплательщику

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ - ЮРИДИК ШАХС  
НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК - ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО

Тўлиқ номи:  
Полное наименование:

"QARSHI CITY" MAS'ULIYATI  
CHEKLANGAN JAMIYATI

Кисқача номи:  
Краткое наименование:

"QARSHI CITY" MChJ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинди ва унга қўйидаги  
солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР) берилди:

Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан  
и ему присвоен идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

306120764

СТИР берилган сана:  
Дата присвоения ИНН:

11.02.2019

Рўйхатга олинган ДСИ:  
Зарегистрирован в ГНИ:

Карши шаҳар

Ушбу Гувоҳнома Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги расмий сайти  
орқали шакллантирилган ва чоп этилган

Данное Удостоверение сформировано и распечатано через официальный сайт  
Государственного налогового комитета

Гувоҳнома чоп этилган сана:  
Дата распечатки удостоверения:

25.02.2022 18:08:27

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi



# GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

## "G'AYRAT" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

### "G'AYRAT" MCHJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

**200 692 661**

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

**Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)**

**16.09.2016**

**276**

Sana

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

**MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT**

Faoliyat yuritadigan manzil:

**QASHQADARYO VILOYATI, KOSON TUMANI, KOSON, САРИПУЛ МФЙ, НАСАФ КУЧАСИ, 24-УЙ**

Tomonidan berilgan:

**KOSON TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI**

**058514**





**Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"DAVR SA'NOAT STROY INVEST" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

**"DAVR SA'NOAT STROY INVEST" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

04.03.2021

960526

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

308264385

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahri, QARSHI SHAHAR BESHKENT YO'L  
5KM,

Guvochnoma:

Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahri, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

